

18. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. (2016). "Ochiq xat". Tashkent: "Hilol" nashriyot-matbaasi.
19. Dahlburg J. (1994). "Arab veterans of Afghanistan war lead new Islamic holy war". New York: Compass media.
20. Vaisov F. (2018). The problem of radicalization and terrorist recruitment in prisons. Russia: Tomsk State University.
21. Terrence M. (2014). How the Islamic State evolved in an American prison // The Washington Post. USA, Retrieved.
22. Global counterterrorist forum. (2012). Rimsky memorandum o nadlejashchey praktike reabilitatsii i reintegratsii lits, sovershivshikh nasilstvennye prestupleniya ekstremistskogo kharakarta.
23. Andreas C. (2015). Deradicalization Programs in Saudi Arabia: A Case Study. Washington D.C.: Middle East Institute.
24. Brzuszkiewicz S. (2017). Saudi Arabia: the deradicalization program seen from within. [www.ispionline.it](http://www.ispionline.it)
25. About Religious Rehabilitation Group (RRG). (2016). <https://www.rrg.sg/about-rrg/>
26. Raafia K. (2019). Radicalisation Blog Series: Sabaoon - De-radicalisation through a Compassionate Approach. [www.news.uwa.edu.au](http://www.news.uwa.edu.au)
27. Aslam M. (2020). Deradicalization Programs for SOSMA, POTA, and POCA Detainees in Malaysia. Middle East Institute. [www.mei.edu](http://www.mei.edu)



**Ulugbek B. JORAEV,**  
*Research fellow of the Imam Maturidi  
International Scientific Research Center:  
11, A.Kadiri str. 100011,  
Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: [ulugbekcity@mail.ru](mailto:ulugbekcity@mail.ru)*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-1/14

## ТУРКИЯ ТАРИХИДА МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

### ANALYSIS OF THE STAGES OF DEVELOPMENT OF THE MATURIDIYYA DOCTRINE IN THE HISTORY OF TURKEY

### АНАЛИЗ ЭТАПОВ РАЗВИТИЯ МАТРУДИТСКОГО УЧЕНИЯ В ИСТОРИИ ТУРЦИИ

#### КИРИШ

Маълумки, юртимизнинг Самарқанд диёридан етишиб чиққан улуғ мутафаккир олим Имом Мотуридий аҳли сунна вал-жамоанинг дунёда тан олинган мотуридия ақидавий таълимоти асосчиси ҳамда калом илмининг буюк олимларидан бири сифатида бутун мусулмон оламида эътироф қилинади. Замонавий мусулмон мамлакатларининг кўпчилигида мотуридийлик таълимотини тадқиқ қилиш ҳамда ўрганишга эътибор ва қизиқиш ниҳоятда катта бўлмоқда. Айниқса, Туркияда бундай жараён тарихий-тадрижий кўринишда кечганга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Хатто, айрим мутахассислар Туркия Республикасидаги мотуридийликни ўрганишга эътиборнинг юқорилигидан унга “нео-мотуридийлик ҳаракати” деган ном беришган (Phil Dorroll, 2018:538).

#### АСОСИЙ ҚИСМ

Туркияда мотуридийлик таълимотини ўрганиш босқичларини қуйидаги тўрт даврга бўлиш мумкин:

1) Сўнгги усмонийлар ҳукмронлиги шароитида калом илми суҳбатлари даври.

2) XIX аср охири ва XX аср бошларида айрим мусулмон мамлакатларидаги модернизм қарашларининг юзага келиши даври.

3) Республика ва замонавий давлат бошқарувида ўтиш даври.

4) XX–XXI асрлардаги Туркияда ислом илми ва илоҳиёт фанларини илмий ўрганишга эътибор кучайган давр.

Таъкидлаш лозимки, XVIII аср бошларида Усмонийлар империясидаги мадрасаларда ашъарий ва мотуридийлик ақидавий таълимотлари биргаликда ўргатилар эди. Ушбу амалиёт XIV асрдан бошланган бўлиб, унга ўз даврининг етук уламоси, фақиҳи Тақиюддин Субкий (вафоти 1355) томонидан икки ақидавий таълимотларни биргаликда ўрганиш ва амал қилиш мумкинлиги борасидаги қарашлари асос сифатида қабул қилинган эди (Philipp Bruckmaier, 2009:60).

Бу борада XIV асрда мамлуклар султонлигидаги Миср давлатида ақида ва фикҳ бўйича етук олим Камол ибн Ҳумом (1388–1457) қаламига мансуб илмий асарлар орқали кейинчалик Усмонийлар империясига ҳам етиб келганлигини айтиб ўтиш лозим. Олимнинг “ал-Мусаяра фил-ақоид” (“Ақидаларда мурасага келиш”) асари айнан Имом Мотуридийнинг ақида борасидаги қарашлари асосида ёзилган. Бу китоб Усмонийлар империяси давридаги машҳур олимларидан бўлган Камолиддин Баёзий (ваф. 1686), Избирий Қозизода (ваф. 1717), Шайхзода (ваф. 1720) ва бошқалар тарафидан илмий жиҳатдан тадқиқ қилиниб, такомиллаштирилди ҳамда мотуридийлик таълимоти илмининг усмонийлар ҳукмронлиги остидаги давлатларга тарқалишига хизмат қилди (Абдулҳай Лакнавий, 1906:144). Шу билан бир қаторда, Ал-Камол ибн Ал-Ҳумамга замондош уламолардан бўлган Хизрбек ибн Жалолиддин (ваф. 1459) томонидан ёзилган “Жавоҳир ал-ақоид” асари ҳам илоҳиёт фанининг муҳим тадқиқот манбаи сифатида ўша давр изланувчилари томонидан тан олинган. Шундай тадқиқотчиларидан бири Аҳмад ибн Мусо ал-Ҳаялий (ваф. 1458) бўлиб, унинг “Шарҳ ал-қасида ал-нурийя” ва Саъдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳ ақоид Насафий” номли китобларига қолдирган илмий изохлари турк давлати тарихида ҳам машҳур ҳисобланади (М.Язижўғли, 1990:82). Хизрбек ибн Жалолиддиннинг шогирдларидан бўлган Муслихуд дин Ҳожизода (ваф. 1488), Муслихуд дин Қасталоний (ваф. 1495) ҳамда Мулла Лutfий Тукотий (ваф. 1495) сингари уламолар ҳам Тафтазонийнинг “Шарҳи ақоид Насафий” китобига шарҳлар битганлар. Шу билан бирга, илоҳиёт йўналишидаги ашъария ва мотуридия таълимотларига биргаликда амал

**Аннотация.** Ислом оламида тан олинган ва эътироф этиладиган икки ақидавий йўналишлардан бири бўлган матуридийлик таълимотини ўрганиши, уни кенг тадқиқ қилиши борасида жараёнлар кўплаб мусулмон мамлакатларида содир бўлмоқда. Бундай ҳолатни Туркия мисолида ҳам кузатиши мумкин. Ушбу мамлакат тарихида содир бўлган ҳодисалар асносида улуг мутафаккир Имом Матуридийнинг ҳаёти ва ижоди ва унинг шогирдлари борасида илмий изланишлар авж олди. Бундай тенденция XX асрда бошланган бўлишига қарамай, ўзининг тарихий сабабиятига эга. Мазкур мақолада айнан Туркия давлати тарихида матуридийлик ақидавий таълимотига нисбатан муносабатнинг ўзгариши ва таълимотнинг сиёсий-иҷтимоий ўзгаришлар шароитида асосий ақидавий қараши сифатида эътироф қилинишига ҳисса қўшган шахслар ҳақида маълумот тақдим қилинади. Хусусан, мақолада матуридия таълимоти Туркия тарихида тўрт босқичга ажратган ҳолда ўрганилади. Биринчи босқичда усмонийлар империяси салтанатида калом илми борасида қарашларнинг шаклланиши ўрганилган. Иккинчи босқичда, яъни XIX аср охири ва XX аср бошларида айрим мусулмон мамлакатларидаги модернизм қарашлари юзага келиши ва таъсир доиралари ҳақида маълумот келтирилган. Учинчи босқичда республика бошқарувидаги замонавий давлат кўринишига ўтиши давридаги сиёсий вазият ҳамда исломишунослик фани бўйича катта ҳурматга эга бўлган олимларнинг Имом Матуридий илмий меросини ўрганишига нисбатан даъватлари ҳақида гапирилади. Ниҳоят, тўртинчи босқичда, яъни XX–XXI асрлардаги Туркияда ислом илми ва илоҳий фанларини илмий ўрганишига эътибор кучайишига туртки бўлган сабаблар, омилар борасида етарлича маълумот келтирилган. Мақолада матуридийлик таълимоти доирасида илмий тадқиқотлар билан шуғулланган олимлар ва уларнинг асарлари тўғрисида маълумот берилади.

**Калит сўзлар:** Имом Матуридий, усмонийлар, Тақиюддин Субкий, Камол ибн Хумом, Избирий Қозизода, Саъдуддин Тафтазоний, Имом Ашъарий, Меҳмед Сайид Бей, Меҳмед Шарафиддин Ялткая.

**Abstract.** Today, in many Muslim countries, the process of studying and researching the doctrine of Maturidiyya which is one of the two accepted and recognized dogmatic trends in the Islamic world is underway. A similar situation is observed in Turkey. During the events that took place in the history of this country, scientific research into the life and work of the great thinker Imam Maturidi and his students became more active. Despite the fact that this trend began in the 20th century, it has its own historical reasons. This article provides information about the changes in attitudes towards the doctrine of Maturidiyya in the history of Turkey, as well as about the persons who contributed to the recognition of the doctrine as the main ideological view in the context of political and social changes. In particular, the article examines the position of the Maturidiyya teaching in the history of Turkey, separately in four stages. At the first stage, the study of formations of views on the science of “kalam” in the Ottoman Empire was foreseen. At the second stage, that is, at the end of the 19th and beginning of the 20th century, information is given about the origin and spheres of influence of modernism in some Muslim countries. At the third stage, the political situation during the transition to the modern republican system, as well as the calls of very authoritative scholars in the field of Islamic studies to research the scientific heritage of Imam Maturidi was discussed. Finally, at the fourth stage, enough information was given about the reasons and factors that led to increased attention to the scientific study of the theological sciences in Turkey in the 20th–21st century.

**Keywords:** Imam Maturidi, Ottomans, Taqiyuddin Subki, Kamal ibn Humam, Izbiri Qazizada, Sa'duddin at-Taftazani, Imam Ash'ari, Mehmed Sayed-bey, Mehmed Sharafuddin Yaltkaya.

**Аннотация.** Сегодня во многих мусульманских странах идет процесс изучения и исследования, матуридитского учения, являющегося одним из двух принятых и признанных в исламском мире догматических направлений. Схожая ситуация наблюдается в Турции. В ходе событий, произошедших в истории этой страны, активизировались научные исследования жизни и деятельности великого мыслителя Имама Матуриди и его учеников. Несмотря на то, что такая тенденция началась в 20 веке, она имеет свои исторические причины. В данной статье представлена информация об изменениях отношения к учению матуридизма в истории Турции, а также о лицах, способствовавших признанию учения основным идеологическим воззрением в контексте политических и социальных изменений. В частности, в статье исследуется положение матуридийского учения в истории Турции, отдельно в четыре этапа. На первом этапе проведено изучения формирований взглядов на науку о калам в Османской империи. На втором этапе, то есть в конце 19-го начале 20 века, приводятся сведения о зарождении и сферах влияния модернизма в некоторых мусульманских странах. На третьем этапе обсуждается политическая ситуация в период перехода к современному республиканскому строю, а также призывы весьма авторитетных ученых в области исламоведения к изучению научного наследия Имама Матуриди. Наконец, на четвертом этапе, т.е. о Турции в 20–21 веках, дается достаточно информации о причинах и факторах, обусловивших повышенное внимание к научному изучению богословских наук.

**Ключевые слова:** Имам Матуриди, османь, Такиуддин Субки, Камаль ибн Хумам, Избири Казизада, Саадин Тафтазани, Имам Ашари, Меҳмед Сайид-бей, Меҳмед Шарафуддин Ялткайя.

қилиш борасида Такиюддин Субкийдан кейин Камолпошшозода (ваф. 1533) томонидан ҳам бу ғоялар илгари сурилади. Олим ўзининг “ал-Ихтилоф байна ал-ашъария ва ал-мотуридия” номли асарида икки ақидавий таълимот ўрта-сида фарқликлар, ихтилофлари, ечимлар ва уларнинг аҳамияти борасида ҳамда ўша давр турк жамиятида амал қилинишига тарғиб борасидаги қарашларни келтирган. Лекин, айрим турк тарихчиларининг фикрига кўра, Камолпошшозода кейинчалик китобларида ақидавий масалаларда кўпроқ ашъарийлик таълимотига юзланган.

XVI–XVIII аср бошларига қадар Усманийлар империясидаги мадрасаларнинг ўқув дастурида ашъарийлик бўйича таълим соатлари мотуридийлик таълимотини ўрганишга нисбатан маълум миқдорда кўпроқ бўлган (Philipp Bruckmaуr, 2009:62). Маълумотларга кўра, барча мадрасалардаги талабаларнинг дарс соатларида Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-ақоид” ва “Шарҳ ал-мақосид” ҳамда Алиибн Мухаммад Журжонийнинг “Шарҳ ал-мавоқиф” ва “Ҳошия шарҳ ат-тажрид” китоблари асосида барча фанлар белгиланган эди. Ушбу китоблар асосида талабаларга ақида, мантиқ, ислом ҳуқуқи ва нутқ маданияти сингари фанлардан таълим берилган. Мадраса китоблари орасида Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-ақоид” асаригина мотуридийлик таълимоти қарашлари асосида бўлган. Бундан эса, хали Имом Мотуридий қаламига мансуб китоблар билан таълим беришга ўтилмаганини кўриш мумкин. Аммо, усмонийлар ҳукмронлигидаги мадрасаларда мумтоз мотуридийлик қарашларини ўрганган олимлар ислом ҳуқуқи ёки тафсир фанларидан таълим бериш жараёнида тилга олинган. Бу борада мадрасаларда ўқитиладиган мотуридийлик қарашлари асосидаги ягона китоб Сирожиддин ал-Ўшийнинг “ал-Қасида ал-Ломийя фи ат-тавҳид” китоби ҳамда Садрушшариа Соний қаламига мансуб “Тавҳид” асари бўлган (Philipp Bruckmaуr, 2009:62). “Тавҳид” китобидан кўпинча ислом ҳуқуқи бўйича дарсларда фойдаланилган.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, усмонли турк салтанатининг кейинги давр уламолари орасида ашъарий ва мотуридийлик таълимотларига нисбатан ёндашув қисман яна ўзгаради. Улар ақидавий мавзуларни муҳокама қилишда бошқа қарашни кескин танқид қилиш амалиётидан воз кечишга чақира бошладилар. Мисол учун, Камолиддин Баёзий ўзининг “Ишорат ал-маром”, Яхё ибн Насуҳ Навий “Фи-л-фарқ байна мазҳаб

ал-ашъария вал-мотуридия”, Мухаммад ал-Избирий Қозизода “Мумаййиза”, Абдул Раҳмон ибн Али Шайхзода “Назм ал-Фароид”, Абдулғаний Набулусий “Таҳқиқ ал-интисор”, Абу Удба “Равзат ал-бахийя” сингари олимлар қарашларида мотуридийлик ва ашъарийлик таълимотларини биргаликда ўрганишда имконият мавжудлиги ҳамда жамиятга зарар келтирмаслиги борасида қарашлар илгари сурилган.

XVIII аср охирига келиб бир гуруҳ уламолар мотуридийлик таълимотининг замонавий ҳолатларга мос келиши, илмий томондан кучли асосланганлиги ҳамда мотуридийликнинг ҳанафийлик фикхий мазҳабига яқинлиги нуктаи назардан мамлакатнинг барча ҳудудларида айнан ушбу таълимот етакчи бўлиши керакли ҳақида фикр билдирадилар. Олимлар ақидавий таълимотда плюралистик қарашдан воз кечиш лозимлигини таъкидладилар. Мотуридийлик ақидавий таълимоти ашъарийлик таълимотидан кўра устун бўлиши лозимги ҳам кўп бора айтилди. Хусусан, ушбу уламолар қаторида Мухаммад ибн Мустафо Ҳамид Кафавий Кирмоний (вафоти 1760), Мухаммад ибн Аҳмад Гумулжанавий (XVIII аср ўрталарида яшаган) ва замонасининг машҳур атоқли арбоби Довуд Карсий (вафоти 1756) каби шахслар бор бўлган. Улар мотуридийликда “инсон ихтиёри” масаласидаги далиллар ашъарийлик қарашларидан кўра мукамалроқ тақдим қилинганини таъкидладилар (Ўжал Ш., 1999:225).

Бу борада Довуд Карсийнинг қарашлари Кирмоний томонидан Истанбулдаги ўқиш даврида қабул қилинган ва илмий тасдиқланганлиги ҳақида маълумотлар бор (Оқпинар К., 1994:29). Ўша давр олимлари орасида калом масаласида мунозаралар ва илмий суҳбатлар анъанавий мазҳаб ҳуқуқий талаблари доирасидан четга чиқмаган ҳолда олиб борилган. Бундай суҳбатлар натижасида юзага келган илмий хулосалар эса усмонли турк салтанатининг интеллектуал маданиятини шакллантиришга хизмат қилди. Шунингдек, бундай амалиёт XIX–XX аср уламо-ларига мотуридийлик ақидавий таълимоти илмий меросини сақлаб қолишга ҳам ёрдам беради.

Юқоридаги олимларнинг асарларида мотуридийлик таълимотини кенг амалиётга киритиш борасида қарашлари мотуридийликни Туркия мамлакатада тарқалишига замин яратди.

Кейинги даврда Яқин Шарқ ҳудудидаги исломий модернизм қарашларининг кенг тарқалиши натижасида ҳам калом илми, айниқса,

мотуридийлик таълимотига замонавий ҳолатга муносабат билдириш асносида эътибор кучаяди. XIX аср охирида Жамолиддин Афғоний, Муҳаммад Абду, Сайид Аҳмад Хон сингари шахсларнинг ислом модернизм бўйича қарашлари усмонийлар ҳукмронлигининг сўнгги даврларида эгаллаб турилган ҳудудларга кириб келади.

XX аср ўрталарида эса Туркия диний таълим масканларида “ислом модернизми” тарафдори бўлган покистонлик олим Фазлуррахмоннинг (1919-1988) асарларини мутолаа қилишга қизиқиш пайдо бўлади (Шертурк Р., 2009:36). У ўз қарашларида ислом модернизми тушунчасини англаш ва жамиятга тушунтиришда исломнинг ақидавий асосларига эътибор қаратиш лозимлигини уқтиради. Бунда икки нарса, яъни исломнинг абадий илоҳий ҳақиқатларини ўрганиш ҳамда мазкур ҳақиқатларни амалга оширилишини тегишли амалиётлар ва институтлар орқали ўргатиш каби талабларга риоя қилиш зарурлиги Фазлуррахмон томонидан илгари сурилган. Шундай қилиб, модернизм тарафдорлари фикрига кўра, амалда мавжуд амалий жараёнлар ва институтлар диннинг асл мақсадини ўргатиш йўлида ўзгариши мумкин. Улар жамиятда содир бўлаётган ижтимоий ўзгаришлар оқибатида тегишли ислохотларни бошидан ўтказишлари лозим эди. Ушбу қараш тарафдорлари диний таълимотлар ўзгарувчан жамият шароитига мос келиши, ундаги муаммоларни ечиб бериши ҳамда Ғарб империализми ва миссионерлик фаолиятига нисбатан қарши тура оладиган куч бўлиши лозимлигини ўқтиради.

Ўша давр Усмонийлар империяси салтанати уламоларининг мотуридийликдаги “инсоннинг ихтиёри” назариясига тааллуқли калом илмидаги бахс ва мунозараларидан атиги бир аср ўтиб, уларнинг Имом Мотуридий илмига бўлган қизиқиши яна жонланди. Бу сафар бундай қизиқиш давлат ва жамиятни модернизация қилишда усмонийлар томонидан кенгрок йўл очиб бериш орқали ислом илоҳиётидан фойдаланиш контекстида юз берди. Ўша даврда мотуридийлик ақидавий таълимоти бу нафақат инсоннинг эрки ва мустақил тафаккурига ҳурмат ифодаси, балки Усмонийлар империясини қийнаётган кўплаб интеллектуал муаммоларни ҳал қилиш имкониятини ўз ичига оладиган диний қоидалар жамланмаси сифатида қаралар эди (Ўздинч Р., 2013:108). Усмонли турк зиёлиларининг кўпчилиги Имом Мотуридийнинг диндаги рационалистик ёндашувлари ўша давр

жамиятида модерник ислохотлар учун идеал теологик асос сифатида хизмат қилади, деб ҳисоблашган. Худди шу даврда Али Суавий (ваф. 1878) ва Меҳмед Сайид Бей (ваф. 1925) каби баъзи Усмонли зиёлилари ва сиёсий арбоблари Имом Мотуридий ва унинг илмий асарлари бу турк миллатининг мероси бўлиши лозимлиги ҳақида фикрлари натижасида мотуридийлик ақидавий таълимотини тадқиқ қилиш ҳаракатлари янада кучайди.

Эътиборли жиҳати шуки, юқоридаги олимлар Имом Мотуридий асарларини ўрганишни турк миллати тарихи учун муҳим вазифалар нуқтаи назари билан ёндашган ҳолда олиб борганлар.

## МУҲОКАМА

Ғарб тадқиқочиларининг фикрига кўра, замонавий республика шароитида Имом Мотуридий илмий меросини ўрганишга Туркия давлатининг сиёсий арбоби ва атоқли олими Меҳмед Шарафиддин Ялтқая (ваф. 1947) даъват қилган. Ушбу олим усмонли турк салтанатида фойдаланилган ёзувни бекор қилган алифбо ислохотининг бошида турган. Алифбо ислохотидан бор йўғи бир неча йил ўтиб, яъни 1932 йилда Ялтқая томонидан “Турк илоҳиётчилари” (“Türk Kelamcıları”) номли сарлавҳа остида мақола чоп этилган. Унда Ялтқаянинг Имом Мотуридий илмий мероси туркий халқлар учун аҳамияти ниҳоятда катталиги, китоблари эса бебаҳо эканлиги ҳақида фикрлар айтилган эди (Ялтқая М., 1932:1).

Таъкидлаш лозимки, мотуридийликни замонавий контекстда ўрганиш Туркиядаги илоҳиёт фанларининг энг нуфузли олимларидан бўлган Юсуф Зиё Ёрукан (1887–1954 йиллар) томонидан бошланди. Ушбу олим томонидан мотуридийлик таълимоти замонавий Туркиядаги ислом амалиётини ривожлантириш ва миллийликни англашдаги муҳим асослардан эканлигига алоҳида урғу берилган (Акман З., 2013:1). Юсуф Зиё Ёрукан қарашларида Куръонга таяниш нисбатан кучли бўлган бўлса-да, у исломни тушунишда инсон рационал ёндашувни олдинга қўйиши керак, деган фикрни ҳам қўллаб-қувватлаган (Ёрукан Ю., 1993:38). Шу билан бирга, Ёрукан асл ислом тушунчаларининг дунё миқёсида англашда камчиликлар борлигини таъкидлайди. Бунда асосий сабаб сифатида айрим масалаларда қотиб қолган ақидалардан фойдаланиш, диний

уламолар тарафидан ўзгараётган ижтимоий ҳолатларнинг инobatга олинмаслиги, тафаккур ва ақлдан йироқ бўлган хулосаларни тақдим қилаётгани каби ҳолатлар кўрсатилган. Юсуф Зиё Ёрукан замонавий Туркия ҳолатида мотуридийлик таълимоти ислом тафаккурининг муҳим ақидавий мезонига айланиши лозимлигини таъкидлаган. У мотуридийликни асосий эътиқодий қараш дея таърифлаган ҳамда Имом Мотуридий илмий меросида “саодат асри” солиҳ салафларига уйғунлик ҳолатини сезиш мумкинлигини айтган. Бу эса замонавий шароитда Имом Ашъарийда келтирилган ғоялардан кўра муҳим ўрин эгаллаши керак, деб ҳисоблаган (Ёрукан Ю., 2006:173).

### НАТИЖА

Шундай қилиб, Юсуф Зиё Ёрукан қолдирган мерос асносида Туркияда ўзига хос “неомотуридийлик” ҳаракатининг бошланишига замин ҳозирланди. Мазкур ҳаракат марказида Имом Мотуридий ҳаёти ва мутафаккир олим томонидан қолдирилган ижод дурдоналарини замонавий ҳолатдан келиб чиқиб, қайта ўрганиш, бу борада “турк миллатига мансублик” нуқтаи назаридан ёндашиш ҳамда илмий изланишлар ва тадқиқотларни қўллаб-қувватлаган ҳолда жамиятда диний интеллектуал муҳитни шакллантириш сингари қарашлар устун бўлган.

Бунинг оқибатида XX аср бошларида Туркияда илоҳиёт фанининг пайдо бўлишига замин яратилди. Республика даврида, аниқроғи 1949 йилда Анқара университетининг Илоҳиёт факультети ташкил қилинади. Ушбу таълим даргоҳидаги илк ўқитувчилар Усманийлар империяси сўнгги давридаги “Дор ал-фунун” (1933 йилда тугатилган) илмий марказларидан ўтказилган эди. Шу сабабли, илоҳиёт йўналишида илмий тадқиқотлар олиб бораётган олимларнинг аксари усмонийлар давридан қолган мотуридийликни ўрганишга бўлган катта эътиборни сақлаган ҳолда давом эттирдилар.

Кейинги даврда Анқара университети Илоҳиёт факультети Имом Мотуридийнинг илмий меросини ўрганиш ва бу йўналишда илмий тадқиқотларни олиб боришга йўналтирилган асосий марказларидан бири сифатида машҳур бўлди. Ушбу илм масканидан етук мотуридийшунос олимлар фаолият олиб борди. Улар қаторида, профессор, доктор Ҳанафи Ўзган, профессор,

доктор Сўнмас Кутлу, доктор Шаъбон Али Дўзгун ва бошқа 10 дан ортиқ дунё миқёсида тан олинган олимлар ва илмий тадқиқотчилар бор эди. Мисол учун, доктор Сўнмас Қутлунинг Имом Мотуридий ҳаёти ва ижодини ўрганишга қаратилган саъй-ҳаракатлари натижасида диний фанларга аҳамият ва муносабат жамиятда кескин ўзгаришига олиб келди. Олим томонидан амалга оширилган ишлар мамлакатда ҳанафийлик мазҳаби асосидаги ақидавий қарашларнинг кенг тарқалишига хизмат қилди. Мамлакат илмий-маънавий меросига бўлган қизиқишнинг ортишига тўртки бўлди.

### ХУЛОСА

Ҳозирги кунда номлари келтирилган турк олимларининг саъй-ҳаракатлари билан Имом Мотуридий қаламига мансуб кўплаб нодир асарлар, хусусан “Таъвилот ал-Қуръон” асарининг 30-жилди ҳамда “Тавҳид” китобининг соф турк тилига таржима қилингани мотуридийшунос олимларнинг янада кўпайиши хизмат қилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш лозимки, Туркия мамлакатида содир бўлган тарихий жараёнлар ва сиёсий ўзгаришлар Имом Мотуридий ва унинг ҳаёти, илмий меросларини ўрганиш ҳамда турк тилига таржима қилиш жараёнларининг кучайишига тўртки бўлди ҳамда турк олимларининг бу борада амалга оширган ишлари натижалари кўплаб ислом мамлакатларида мотуридийлик таълимотини ўрганишда муҳим манба сифатида ҳам фойдаланишларига замин ҳозирлади. Шунингдек, Туркиядаги жараёнлар туркий халқлар ўртасида алоқаларнинг юксалишига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Имом Мотуридий сингари олимнинг асарларини ўрганиш асносида Ўзбекистон ва Туркия мамлакатлари ўртасида ҳамкорликнинг янги саҳифаси очилган бўлиб, бунга қардош миллатлар билан халқаро илмий доирада дўстона муносабатларнинг янада кучайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлари натижасида эришилганини таъкидлаш зарур. Муштарак қадриятларга эга бўлган икки мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий жабҳалардаги алоқалар янги босқичга кўтарилди. Шу жумладан, диний-маърифий соҳадаги ҳамкорлик натижасида Туркия давлатидаги нуфузли диний тадқиқотларни олиб борадиган марказлар, олийгоҳлар ва нодавлат ташкилотлари билан тажриба алмашув жараёнларига эътибор кескин ортди.

Икки мамлакат ўртасида мотуридийлик таълимоти бўйича илмий муҳокамалар, давра суҳбатларининг ўтказилиши, мутахассислар алмашувининг жорий қилиниши эса замонавий Ўзбекистон ва Туркия давлатлари шароитида фундаментал аҳамият касб этадиган ҳодисалардан бўлмоқда. Бундай ўзгаришлар туфайли эса келажакда хайрли ҳамкорлик янада кучайиши мумкинлигини умид қилиш мумкин.

#### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Фил Доррол. (2018). “Динни туркча тушуниш: Замонавий Туркияда мотуридийликнинг қайта кашф қилиниши”. “Мотудийлик халқаро симпозиуми: ўтмиш, ҳозир ва келажак”. Анкара.
2. Филипп Брукмайер. (2009). “Мотуридийлик таълимотининг тарқалиши ва асосий динамикаси”. “Эрон ва Кавказ” журнали. Австрия.
3. Муҳаммад Абдулхай ал-Ансорий ал-Лакнавий. (1906) “Ал-Фавоид ал-Баҳийа фи тарожим ал-Ханафия”. Қоҳира.
4. Мустафо Саид Язижўгли. (1990). “XV–XVI асрлардан калом илми ва унинг усмонли турк жамиятидаги ўрни”. Анкара.
5. Шомил Ўжал. (1999). “Усмонли олимлари аъшарий бўлганми?: Муҳаммад Аккирмонийнинг инсон эркинлиги анализи”. Истанбул.
6. Комил Оқпинар. (1994). “Довуд ал-Карси”. Туркия Диёнат вақфи ислом энциклопедияси. Анкара.
7. Режеб Шертурк. (2009). “Туркияда исломий ислохотчилар ва зиёлилар: Барқарор дин ва ўзгарувчан ҳуқуқ”. Нью-Йорк.
8. Ридвон Ўздинич. (2013). “Ақил, Ирода, Хуррият: Сўнги усмонийлар давридаги динда ирода масаласи” “Dergah” нашриёти, Истанбул.
9. Меҳмед Шарофиддин Ялткая. (1932). “Турк каломчилар”. Дорулфунун илоҳиёт факультети. Анкара.
10. Закария Акман. (2013). “Юсуф Зиё Ёрукан ҳаёти, асарлари ва ислом тарихидаги ўрни” // “Туркшунослик – турк тили, адабиёт ва тарихи” халқаро журнали даврий нашри (82/2) // Анкара.
11. Юсуф Зиё Ёрукан. “Мусулмонлик”, Müslümanlık (1957), Дўғуз нашриёти, Анкара. 1993 й.
12. Юсуф Зиё Ёрукан. (2006). “Ислом ақоид тизимида ривожланиш”. Ўтукан нашриёти. Истанбул.
13. Хилми Зиё Ўлкан. (1954). “Юсуф Зиё Ёрукан ҳаёти ва ижоди”. Анкара.

#### REFERENCES

1. Fil Dorrol. (2018). “Dinni turkcha tushunish: Zamonaviy Turkiyada moturidiylikning qayta kashf qilinishi”. “Motudiylik xalqaro simpoziumi: o‘tmish, hozir va kelajak”. Ankara.

2. Filipp Brukmayer. (2009). “Moturidiylik ta’limotining tarqalishi va asosiy dinamikasi”. “Eron va Kavkaz” jurnali. Avstriya.
3. Muhammad Abdulhai al-Ansari al-Lucknawi. (1906) “Al-Fawaid al-bahiyya fi tarajim al-Hanafiyya”. Cairo.
4. Mustafa Said Yazijo‘g‘li. (1990). “XV–XVI asrlardan kalom ilmi va uning usmonli turk jamiyatidagi o‘rni”. Anqara.
5. Shomil O‘jal. (1999). “Usmonli olimlari a‘shariy bo‘lganmi?: Muhammad Akkirmoniyning inson erkinligi analizi”. Istanbul.
6. Komil Oqpinar. (1994). “Dovud al-Karsi”. Turkiya Diyonat vaqfi islom ensiklopediyasi. Anqara.
7. Rejeb Sherturk. (2009). “Turkiyada islomiy islohotchilar va ziyolilar: Barqaror din va o‘zgaruvchan huquq”. Nyu-York.
8. Ridvon O‘zdinich. (2013). “Aqil, Iroda, Hurriyat: So‘nggi usmoniyilar davridagi dinda iroda masalasi” “Dergah” nashriyoti, Istanbul.
9. Mehmed Sharofiddin Yaltkaya. (1932). “Turk kalomchilar”. Dorulfunun ilohiyot fakulteti. Anqara.
10. Zakariya Akman. (2013). “Yusuf Ziyo Yorukan hayoti, asarlari va islom tarixidagi o‘rni” // “Turkshunoslik – turk tili, adabiyot va tarixi” xalqaro jurnali davriy nashri (82/2) // Anqara.
11. Yusuf Ziyo Yorukan. “Musulmonlik”, Müslümanlık (1957), Do‘guz nashriyoti, Anqara. 1993 y.
12. Yusuf Ziyo Yorukan. (2006). “Islom aqoid tizimida rivojlanish”. O‘tukan nashriyoti. Istanbul.
13. Hilmi Ziyo O‘lkan. (1954). “Yusuf Ziyo Yorukan hayoti va ijodi”. Anqara.

